

### “ЗАРБУЛМАСАЛ” ВА ҲИНД ЭПОСИ

Моҳира Исломова

*ФарДУ Адабиётшунослик кафедраси докторанти*

Ҳар бир давр инсоният тарихининг узвий халқаси. Шу билан бирга ҳаёт доимо янгилашлар сари юз буради, жамият тараққиётини эса турли ўзгаришлар белгилайди. Ана шу жамиятнинг таркибий қисми бўлган инсон тақдири, унинг характери, маънавий-руҳий оламида ҳам худди ижтимоий турмушда бўлгани сингари эврилишлар рўй беради. Кишилар замона зайлига бўйсунганлари сингари давр ва муҳитни ўзгартиришга ҳам муайян таъсирини ўтказадилар. Қадим замонлардан анъана бўлиб келган эзгулик ва ёвузлик, олижаноблик ва тубанлик, элпарварлик ва худбинлик ўртасидаги аёвсиз кураш, тараққиёт омили бўлган эзгуликнинг зафар қозониши инсониятни янги бахт-саодатлар сари етаклайди.

Жаҳон маданияти ва санъатининг таркибий қисми бўлган ўзбек адабиёти ҳам жамиятнинг тадрижий тараққиётини, кишилар онги ва шуурида бўлаётган ўзгаришларни изчил бадиий ифодалаб келмоқда. XXI асрда дунё миқёсида рўё бераётган глобал муаммолар, янгича муносабатлар билан бир қаторда инсон маънавияти, ички руҳий олами манзаралари ҳам сўз санъати орқали изчил ифодалаб келинмоқда. Жумладан, ижтимоий муносабатлари, иқтисодий муҳитнинг янгича кўринишлари ва унинг бевосита иштирокчиси бўлган инсон тақдири ҳам бадиий таҳлил доирасидан мустаҳкам ўрин олмоқда. Бу борада жаҳон ва ўзбек адабиётининг мумтоз намуналарини тадқиқ ва таҳлил этиш, ёш авлодга холис етказиш маънавий-маърифий тарбиянинг таркибий қисмларидан биридир.

Биз шахс ва муҳит муносабатларининг бадиий адабиётдаги тасвири ҳамда адабий қаҳрамон маънавияти таҳлилинини ҳинд эпоси “Калила ва Димна” ҳамда кейинги даврларда нисбатан янги мавзу асосида яратилган Алишер Навоийнинг “Лисон-ут тайр”, ижтимоий-маиший муаммоларнинг аллегорик ифодаси бўлган Гулханийнинг “Зарбулмасал” асарлари мисолида яққол кўришимиз мумкин. Қуш тимсоли талқинига асосланган мазкур асарлар бир мавзу атрофида – яъни шахс ва муҳит муносабатларини қушлар образлари воситасида ифодалаш хусусида бўлса-да, улар жанр эътибори билан, бадиий таҳлил жиҳатдан, муаммоларнинг ечими нуктаи назаридан бир-биридан фарқ қилади.

“Калила ва Димна” юксак бадиияти билан, қушлар воситасида ҳаёт ҳақида ҳаққоний ҳикоя қилиши биланоқ бизга инсон тўғрисида фикр юритганда бир

# “IZLANISH SAMARALARI”

## №9 mavzusidagi respublika an'anaviy ilmiy-nazariy anjumani

томонламаликка йўл қўймаслик зарурлигини, масаланинг ҳамма қирраларига бирдай эътибор билан қараш кераклигини ўргатади. “Калила ва Димна”нинг яна бир фазилати – ҳикоячи фикрларининг ғоятда ўткирлигида. У ҳар гал бетакрор бир синчковлик билан масаланинг моҳиятигача етиб боришга ҳаракат қилади ва натижада китобхон илгари кам эътибор берган жиҳатларни очиб, уни янада қизиқтириб, ўз ортидан етаклайди.

“Зарбулмасал” асари ҳам “Калила ва Димна”га кўп жиҳатлардан ҳамоҳанг асар. Унда ҳам шахс руҳиятидаги эврилишлар очиб берилади, аммо шахс қисмати муайян тузум, муҳит ҳамда мафкура фониди бадий таҳлил этилади. Шахс ва муҳит ўртасидаги муносабатлар жараёнида ўзига ўхшаган кишилар қисмати ва кечмишлари ҳам гавдалантирилади. Иккиланишлар, ички норозилик туйғуларининг уйғона бошлаши, умидларнинг саробга айлана бориши ва эътиқод қўйилган нарсанинг асоси бўш ва пуч бўлиб чиқиши ижтимоий жараёнлар фониди очила боради.

“Калила ва Димна” қаҳрамони бўлган қуш тимсолидаги шахслар ўз руҳиятидаги эврилиш ва маънавий кечинмаларни хусусий ҳаёти, турмуш тарзи негизиди, ўз атрофидаги муҳит хусусиятлари билан боғлаган ҳолда баён этади. Ҳаёт ҳақиқатини излар экан, бу муаммо ечимини диний эътиқод, ўз даври илм-фани, замондошларининг фикр-мулоҳазаларидан излайди.

“Зарбулмасал” асари муаллифи эса шахс тақдири билан боғлиқ ҳодисаларни жамиятдаги рўй бераётган ўзгаришлар асосиди таҳлил этади. “Калила ва Димна”дан фарқли равишда турмушдаги кемтик ва номукамал ўринларни тўлдириш йўлларини излаш эмас, балки ўз интилишларидан буткул юз ўгиришга олиб келган омилларни шарҳлайди.

Гулханийнинг “Зарбулмасал” асари ўзбек адабиёти тарихиди ўзига хос ўрин эгаллаган асарлардан биридир. Ёзувчи мазкур асари яратилгунга қадар ҳам шахс ва муҳит мавзусига оид бир неча асарларни ўқувчи эътиборига ҳавола этган. Мазкур асарида эса муаллиф мавзуга янада кенг қўламли, янада қамровлироқ ёндашган. Ёзувчи замон ва муҳитни реалистик тасвирлаш билан бирга, муайян давр маҳсули бўлган образларни ҳам майдонга чиқарган. Асарни мутолаа қилиш жараёнида муаллиф билан бирга турли воқеа-ҳодисаларнинг гувоҳи бўламиз, улардан хулоса чиқаришга уринамиз. Янгича муҳитда, иқтисодий масалалар ва муаммолар қалашиб ётган бир шароитда эътиқод ва маънавий яшаб қоладими, деган саволга асар муаллифининг ғоявий мақсадидан келиб чиқиб, ҳа, яшаб қолади, дея оламиз. Бунинг учун эса маънавий ҳаётимизни бойитувчи энг муҳим воситалардан бири бўлган

# “IZLANISH SAMARALARI”

## №9 mavzusidagi respublika an'anaviy ilmiy-nazariy anjumani

ҳалоллик, диёнат, инсоф сингари фазилатлар яшаши керак, миллий ҳамда умумбашарий қадриятлар давом этиши керак. Инсон фақат моддий-иқтисодий муаммолар билан ўралашиб қолмаслиги, маънавий-маданий меросни ҳам асраб-авайлаши, унга суянмоғи лозим. Шундагина кишилик жамияти ўткинчи иқтисодий бўҳронларни, турмуш қийинчиликларини мардонавор енгиб ўта олади.

Ҳар икки асар муҳит ва инсон тақдири муаммоларини қушлар образлари орқали ёритиб беради. Муаллиф-ҳикоячиларнинг бу борада тутган позициялари ҳам ўзига хос бўлиб, улар қаҳрамон маънавиятини белгилашда, муаммоларнинг ғоявий-эстетик ечимида ўз йўлларида борадилар. Уларнинг бадиий талқинларига кўра, атроф-муҳитда бўлаётган жараёнлар инсон тақдирига ўз таъсирини ўтказиши табиий. Рўзғор ташвишларидан тортиб, инсон тақдиридаги чигалликларгача маънавий, иқтисодий муносабатлар, турмушдаги ҳолатлар билан боғлиқ. Бу ҳол, ҳатто қаҳрамон характерини ўзгартиришгача қодир бўлиши мумкин. У ҳолда инсонни маънавий тубанлашувдан нима халос этиши мумкин? Мазкур асарлардан келиб чиқадиган хулосаларга кўра ҳаётда яхши ва некбин одамлар ҳам кўп. Улар бошқалардан ҳеч қачон беминнат кўмакларини аямайдилар. Ана шундай инсонларга суяниш, улардан ибрат олиш орқали ҳам ёрқин манзилларга етиш, одамийликни йўқотмаслик мумкин.

Ҳар икки асарда қаламга олинган воқеалар тизимидан келиб чиқадиган ғоявий хулоса шуки, инсон ҳар қандай давр ва шароитда, исталган муҳитда ўз маънавиятини шахсий фазилатлари: иродаси, матонати, руҳан мағлуб бўлмаслиги орқали мустаҳкамлаши, сақлаб қолиши мумкин.

### Адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Лисон-ут тайр. Тошкент. 1989
2. Гулханий. Зарбулмасал. Тошкент. 1959
3. Исҳоқов Ф. “Зарбулмасал” – халқчил насрнинг юксак намунаси. Ўзбек насри тарихидан. – Тошкент, 1982.
4. Калила ва Димна. Таржимон С.Ғаниева. Тошкент. 1966
5. Мадаев О. Мақоллар оламида.-Тошкент. 1984.
6. Мадаев О. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. – Тошкент. 2013.
7. Муҳибова У. Ҳинд адабиёти. (Қадим ва ўрта асрлар).Дарслик. – Тошкент. 2008.